



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (13.945)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2019–2023 йилларда МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўз фаолияти даврида таълим ва илм-фанни ривожлантиришга, шунингдек, республика иқтисодийнинг турли тармоқлари, ижтимоий ва маънавий соҳалари учун кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди. Утган даврда 100 нафардан ортиқ академик ва 2,5 минг нафардан зиёд фан докторлари ва номзодлари тайёрланди. Т.Саримсоқов, С.Сирожидинов, М.Саломхонидиновнинг математика, Ж.Мусаевнинг биохимия, Ҳ.Абдуллаев, Т.Долимовнинг геология мактаблари кенг эътироф этилди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Шарафиддинов ва С.Фаниева университетда таълим-тарбия олдилар.

Ўқув жараёни замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда мутахассислар тайёрлашнинг, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан янгилади. Олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг янги икки босқичли тизими жорий этилди. Сўнгги 10 йилда турли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 26 мингдан ортиқ малакали битирувчилар университет дипломини олдилар.

Ҳозирги вақтда 114 та, шу жумладан, 18 та халқаро илмий ва илмий-таълим лойиҳалари амалга оширилмоқда, уларда университетнинг 50,0 фоиздан ортиқ ўқитувчилари иштирок этмоқда. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб "геодезия ва геоинформатика" йўналиши бўйича Қозон Федерал университети (Россия Федерацияси) ва "компьютер фанлари", "муҳандислик математикаси", "технологик менежмент" йўналишлари бўйича Холон технологиялар институт (Исроил) билан қўшма таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Жаҳоннинг етакчи университетларида 226 нафар ўқитувчи ва докторантларнинг таъриба орттириши, малака ошириши ва илмий тадқиқотлар олиб бориши таъминланмоқда.

Университетнинг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2 та янги факультет очилди, янги лаборатория ускуналари билан жиҳозланган ўқув-лаборатория корпуслари реконструкция қилинди. Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш 2,5 баравар оширилди.

Давлат томонидан қўриб-қўллаётган ҳар томонлама ёрдам ва қўллаб-қувватлаш университет фаолиятида фақат "... ижодий ва тизимли фикрлайдиган, ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, мамлакат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган юқори малакали мутахассислар..." тайёрлашга эришилди, балки ҳолияти ва истеъдодли талаба-ёшларнинг тарбиясига ҳам сўзсиз қўллаб-қувватлашмоқда.

Бугунги кунда университет талабаларининг 73,0 фоизини Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг барча 12 вилоятдан келган талабалар ташкил этади. Улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, номли стипендиатлар, фанлар бўйича халқаро ва республика олимпиадалари совриндорлари, спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиблари бор. С.Сирожидинов номидаги академик лицей битирувчиларининг

87,0 фоиздан ортиги республика олий таълим муассасаларига муваффақиятли кирдилар ва ўқини давом эттирмақдалар.

Шу билан бирга танқидий ва ҳар томонлама таҳлилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий ва кўп қиррали инсон капиталини ривожлантириш соҳасида жиддий тўғалар ва тўсиқ бўлаётган комплекс камчиликлар ва муаммолар аниқланди. Кейинги йилларда университетнинг Миллий университет мақомига муносиб бўлиши учун амалий ва самарали чора-тадбирлар таъминланмади. Шу жумладан:

Биринчидан – ҳар бир факультет ва кафедра бўйича таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари таркиби, шунингдек, қабул квоталари реал эҳтиёждан анча орқада қолмоқда, кўпинча худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, меҳнат бозори ва кадрларнинг буржумчилари эҳтиёжларига мос келмайди. Битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ҳамма вақт ҳам эгалланган мутахассислик мувофиқ эмас;

Иккинчидан – таълим жараёнига, шу жумладан, синовдан ўтган ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлган замонавий педагогик технологияларни жорий этиш даражаси паст. Таълим жараёнига ўқув-методик таъминлаш ва унинг мазмун иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ва технологик ривожланишидан орқада қолмоқда, талабаларнинг назарий ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш самарали эмас;

Учинчидан – университетни, шу жумладан, ўқув-тарбиявий ва илмий жараёни самарали бошқариши таъминлаш учун кадрлар захирасини тайёрлашнинг аниқ ифодаланган тизими мавжуд эмас. Айрим педагог кадрларнинг касбий маҳорати даражаси етарли эмаслиги, малака ошириш курсларининг, педагог ва илмий ходимлар стажировкасининг самарасизлиги, магистрантлар ва диссертантларнинг раҳбарлари ва маслаҳатчиларини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари салоҳиятини суст жалб этиш, турли дастурлар, шу жумладан, чет элда магистратура бўйича кадрлар тайёрлашнинг тизимсизлиги сақланиб қолмоқда;

Тўртинчидан – университет ўқитувчиларининг атиги 59,0 фоизи илмий даражага эга, фан докторларининг ўртача ёши 61 ёшга, фан номзодларининг ўртача ёши – 54 ёшга ташкил этилмоқда. Университет нуфузли халқаро агентликлар рейтингига кирмайди, олимларнинг илмий мақолаларидан халқаро иқтисод келтириш даражаси пастлиги кўп қисмида, талабалар маълум бир қисмининг илм-фанга интилиши ва кизиқиши жуда суст эканлиги кузатишмоқда;

Бешинчидан – университет ахборот тизимининг мазмуни, унумдорлиги ва сифати, шунингдек, IT мутахассисларининг ўз ишини билиши паст даражада қолмоқда. Юқори тезликдаги Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти йўқ, университет худудининг атиги 7,0 фоизда Интернетга, шу жумладан, хорижий ахборот таълим ресурсларига симсиз улашиш мумкин;

Олтинчидан – етакчи хорижий иқтисодлашган илмий марказлар билан, айниқса илмий стажировкалар асосида яқин шериклик муносабатларини ўрнатиш ишлари зарур тарзда амалга оширилмаяпти, университетнинг ўқув ва илмий фаолиятига жалб этилган хорижий профессорлар ва ўқитувчилар сони етарли эмас;

Еттинчидан – ўтказилган социологик тадқиқотлар йиғинлар ва кизлар, шунингдек, ёш педагоглар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдирдиш, уларда билимга интилишининга эмас, балки инсонлараралиқнинг миллий анъаналарига содиқлик ва юксак маънавиятни тарбиялаш, ёт ғоялар ва мафураларга нисбатан танқидий тафаккур ва иммунитетни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Ректорат, факультетлар ва кафедра-ларларнинг кўпчилиги раҳбарлари ушбу муҳим ишдан ўзларини четга олишган, уларнинг талабалар турар жойларида ёшлар билан учрашувлари сони жуда кам. Дам олиш, кўлаб тадбирларнинг, шу жумладан, маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг даражаси пастлигига қолмоқда;

Саккинчидан – айрим факультетлар академик лицей, спорт иншоотлари ва талабаларнинг дала амалиётлари ўтказиш жойларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун амалий чора-тадбирлар қўрилмаяпти. Илмий-тадқиқот лабораторияларида замонавий асбоб-ускуналар етишмайди. Талабалар яшаш жойларида ўринлар таққилини мажбур, шунингдек, университет ходимлари ва чет элдан таққили-надиغان мутахассислар учун турар жой етарли эмас;

Тўққизинчидан – университетни ривожлантиришда олий таълим муассасалари менежментининг замонавий усуллари ва илғор амалиётга асосланган аниқ ифодаланган стратегияси мавжуд эмас. Молиялаштириш тизимини қайта қўриб чиқиш ва оптималлаштириш, шунингдек, маблағлардан, энг аввало бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг шаффоф механизмининг жорий этиш талаб қилинади;

Ўнинчидан – деканатлар ва кафедра-лар раҳбарлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнати самарадорлигини баҳолашнинг ва кейинчалик уларни моддий рағбатлантиришнинг рейтинг тизими жорий этилмаган.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва муаммолар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (А.Р.Марахонимов) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов) раҳбариятида талабчанлик, мақсадга йўналтирилганлик ва юқори малакали, янгица фикрлайдиган кадрлар тайёрлашнинг халқаро стандартларига жавоб берадиган замонавий шакллари ва усуллари излаш, яратиш ва фаол жорий этиш, олий таълим илм-фанининг улкан салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланишига фаол улуш қўшишга тайёр ва қодир бўлган муносиб талаба-ёшларни ҳар томонлама тайёрлаш бўйича шахсий ташаббус мавжуд эмаслигининг тўғридан-тўғри оқибати ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бўка туманида фаолият бошлаган хотин-қизлар тадбиркорлик марказида аёлларга касб-хунар ўргатиш, уларни қайта тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ҳозирда бу ерда бир йўла 60 нафар аёл янги касб сирларини ўрганишни бошладилар. Таъқидлаш жоизки, қайта тайёрланган ёки хунар ўрганган ҳар бир мутахассиснинг доимий иш жойи кафолатланади.

● Поп туманида "Namangan agrologistik" маркази фаолият бошлади. Хорижий илғор технологияси билан жиҳозланган корхонада мевани саралаш, музлатиш, қайта ишлаш ва қадоқлаш йўлга қўйилган бўлиб, тайёр маҳсулотнинг асосий қисми ташқи бозорга чиқарилади. Корхонадаги 3200 тонна сизимга эга музлатгичли омбор мажмуаси газ тизимида ишлайди. Италиядан келтирилган линия ёрдамида соатига 8 тонна мевани саралаш мумкин.

● Андижонга Россиянинг "Газель" автомобил компаниясида ишлаб чиқарилган "Газель нехт" русумидаги 30 дона янги микроавтобус келтирилди. Андижон шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатиш даражасини юксалтириш мақсадида олиб келинган 17 ўринга эга, замонавий, қулай ва хавфсиз ушбу микроавтобуслар белгиланган йўналиш бўйича аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

● Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган давра сўхбати "Ёшлар ойлиги"нинг ўтказилишига бағишланди. Тадбирда "Ёшлар ойлиги" доирасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ойлиқнинг ОАВда ёриштирилиши таҳлил қилиниб, уни янада юқори савияда ўтказиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

ЖАҲОНДА

● Франция пойтахти Париж шаҳридаги Ле Бурже майдонида "AIR SHOW – 2019" халқаро авиасалони ўз ишини бошлади. 1908 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу авиакосмик шоу да бу гал 500 мингга яқин қатнашчи иштирок этмоқда. Тадбирнинг биринчи кунда учта мамлакатда ишлаб чиқарилган янги қирувчи самолёт ҳамда АYRBAS А-321 NEO русумли ҳаво кема-сининг тақдими ўтказилди, мураккаб фигураларни намойиш этган ҳолда кўргазмачи чиқишлар уюштирилди. Халқаро авиасалон 23 июнга қадар давом этади.

● Аргентина электр узатиш тармоғининг издан чиқиши натижасида нафақат ушбу мамлакат, балки Уругвай давлатида ҳам катта муаммолар пайдо бўлди. Айниқса транспорт, тиббиёт соҳаларига корхона, ташкилотлар фаолиятига катта зарар етди. Узилишлар бир неча соатдан кейин тикланган бўлса-да, бироқ ҳозирча унинг сабаблари аниқланмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси 2019 йил 21 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 20 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан алоқалари ривожланиши Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик муносабатлари алоҳида ўрин тутади. Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихида янги саҳифа очилди. Бу жараёнда савдо-иқтисодий алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

18 июнь куни АҚШнинг сертифициланган илк савдо миссияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрь ойида АҚШ савдо вазири Уилбур Росс билан учрашувида эришилган келишувлар ижроси доирасида амалга оширилган бу тадбир иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштириш йўлидаги интилишларнинг мантиқий давомидир.

АҚШ делегациясининг ташрифи доирасида Ўзбекистон – АҚШ бизнес-форуми ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, савдо, молия, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда фаолият юритувчи компаниялар раҳбарлари, бизнес доиралар вакиллари, шунингдек, АҚШнинг 13 та йирик компанияси масъуллари катнашди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқов, Савдо-саноат палатаси расми А.Икромов ва бошқалар ўзаро ҳамкорлик кўп қиррали аҳамият касб этишини, мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилаётган қулай бизнес муҳити бошқа хорижий компаниялар қатори америкалик инвесторларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётганини таъқидлади.

Меҳмонлар Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларни юқори баҳолади. Тадбирда мамлакатимизнинг инвестициявий салоҳияти, икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро савдонини қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни молиялаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган истиқболли лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди. Форум транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий хизмат кўрсатиш, таълим, энергетика каби қатор соҳалар бўйича ташкил қилинадиган учрашувлар ва мулоқотлар тарзида давом этади.

Файрат ХОННАЗАРОВ



ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ – "КОБАЛЬТ" АВТОМОБИЛИ ТОПШИРИЛДИ

Бўстон маҳалласида ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъуллари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари, ёзувчи ва шоирлар, элимиз ардоғидаги санъаткорлар, бўқалик ёшлар, маҳалла фанлари иштирок этди.

Жорий йилнинг 1 июнь куни Президентимиз Бўка туманидаги "Бўстон" маҳалласига ташриф буюриб, туманда 5 та муҳим ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишган эди. Мазкур ташриф чоғида Президентимизга тумандаги 27-умумтаълим мактаби 3-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубова бешта муҳим ташаббусга бағишланган шеърини ўқиб берган, давлатимиз раҳбари эса Фазилатга янги таълим-тарбия, ижодий муҳит ва шароит яратиш бергани учун унинг отасига автомобиль совға қилинишини айтган эди. Бўлажак ёш шоиранинг ўзига эса уйда кутубхона очиб, "Фазилат" деб номлаш тақлиф қилганда.

Бўқалик ёшлар, "Бўстон" маҳалласи аҳолисининг Ўзбекистон илм-фан, маданияти, адабиёт ва санъати намояндалари билан учрашуви аввалида Фазилатнинг отаси Ҳикматилла Ёқубовга Президентимиз

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкент вилояти Бўка туманида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ – "КОБАЛЬТ" АВТОМОБИЛИ ТОПШИРИЛДИ

совфаси – "Кобальт" автомобили топширилди.

– Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус қишлоғимизга, барча қишлоқ аҳолиси ҳаётига том маънода янги руҳ олиб кирди, – дейди Ҳикматилла Ёқубов. – Одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараш тубдан ўзгарди. Ўқитувчи сифатида ишонч билан айтишим мумкинки, бугунги кунда китобхонлик ва спорт улар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Фарзандларимдан қиёс. Катта қизим Шаҳноза 6-синфга, кичинги Фазилат 3-синфга ўтапти. Иккинчи ҳам шеър ёзди, китоб мутолааси жону дили. Президентимиз тақлифига бинсоан уйимизда "Фазилат" кутубхонасини ташкил қилимиз. Ёшлар иттифоқи 2 мингта китоб совға қилишини айтди. Гапнинг лўндасини айтганда, 5 та муҳим ташаббус ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва билимли авлод бўлиб қамол топишига хизмат қилиши, ақлзаковатли авлод келажакимиз буюклигини таъминлашига ишонаман.

Давлатимиз раҳбари Бўка туманига ташрифи чоғида, шунингдек, маданият саройида тарбияланган болалар учун "Келажак инқолири" ансамбли ташкил этиш, жамоага авто-

А.ХУДОЙКУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2019–2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизimini туздан тақомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фундаментал ва гуманитар фанлар соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш сифатини туздан яхшилаш, олий таълим илм-фанни жадал ривожлантириш, истиқболли ва юқори технология йўналишлар бўйича илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, кадрларнинг касбий даражаси ва педагогик маҳоратини улғусиз ошириб бориш, талаба-ўшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни қучатириш, шунингдек, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги таълимнинг ривожлантириш тизimini таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Рector А.Р.Мараҳимов ва унинг ўринбосарлари Д.Х.Жумабаев, А.С.Тураев, В.А.Ибодуллоев, Н.Н.Кодиров университетнинг таркибий бўлинмалари томонидан самарали менежментни таъминлаш бўйича жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги, жорий ўрта муддатли ва истиқболли вазифалар тизimini таъминлаш мақсадида, эътироф этилган халқаро талабалар ва стандартлар даражасида замонавий таълим, шу жумладан, инновацион дастурлар ва самарали илмий-тадқиқот ишлари жорий этилишини таъминлаш юзасидан бошқарув бўлимининг раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчилар таркибига нисбатан талабчанликнинг суълиги, шунингдек, университетнинг мамлакатимиз университетлари ва етаци хорижий олий таълим муассасалари орасида рейтингни ошириш учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида қатъий оғohlантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов, унинг ўринбосарлари К.А.Шарипов, У.Ш.Бегимқуллов, С.М.Буржоннов, вазирик хайъати ва марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПК-2909-сон қарорида белгилан берилган асосий йўналишларни, устувор вазифаларни амалга ошириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳамда мамлакатда олий таълимнинг математика, табиий-илмий ва гуманитар йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш бўйича базавий университет сифатида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги таълимнинг ривожлантириш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан улар томонидан назорат, таъсирчан мувофиқлаштириш мавжуд эмаслиги ҳамда қурилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги пастилига қаратилсин.

3. Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар – 2015–2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан тасдиқланган 2017–2021 йиллар даврида республикада олий таълимнинг ривожлантириш тизimini бўйича устувор вазифалар, талабалар ва чора-тадбирлар амалга оширилиши самарадорлигини пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилинсин;

2019 йил 1 августга қадар – тақдирий таҳлил қилиш асосида: биринчи – олий таълим муассасаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини ва молиялаштириш ҳолатини мустахкамлашни муҳим йўналишлари бўйича қўрилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги; иккинчи – таълимнинг комплекс дастурларга (чора-тадбирларга) оптимал тузилишни киритиш; учинчи – тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этиш ҳокимият органларининг уларга юқланган мақсадли вазифаларни амалга оширишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари бўйича аниқ тақлифлар киритилсин.

4. Юқорида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар ҳамда вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг алоҳида эътибори Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 2019 йил 24 майда олий таълим муассасалари ректорлари ва республика илмий жамоатчилиги билан учрашулда белгиланган талабалар ва устувор вазифалар ўз вақтида, сўзсиз ва тўлиқ ҳажмида баҳарлишни зарурлиги қаратилсин. Ушбу мақсадларда берилган топшириқлар баҳарлишини ва олинган қўйилган мақсадларга эришилишни таъминлайдиган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин, тасдиқлансин ва амалга оширилсин.

5. Кўп қиррали ва устувор вазифаларни – "... инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал, илмий ва иқтисодий қудратини, шунингдек, раванки ва мустақиллигини таъминлашга қодир бўлган халқаро стандартлар даражасида мутахассисларни тайёрлаш учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратиш..." бўйича комплекс аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, унинг факультетлари, ихтисослаштирилган кафедралари ва бошқа кафедралари, илмий-тадқиқот институтлари, академик лицей раҳбариятининг, бутун профессор-ўқитувчилар таркиби ва талаба-ўшларнинг асосий мақсади этиб белгилансин.

6. 2019–2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги таълимнинг ривожлантириш дастури ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида университет ректорати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Иқтисодий ҳаёт ва саноат вазири, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Молия вазири, Иқтисодий тармоқлари ва иқтисодий соҳа раҳбарларининг – кадрлар бюрократияларининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг талаб юқори бўлган

малакали кадрлар тайёрлаш тизimini туздан тақомиллаштириш ва университетнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, унинг Ўзбекистон Республикаси олий таълим байроқлари сифатидаги мақоми тиклашини мустахкам асоси, амалий механизм ва қаролати бўлиши қаратилган 9 та мақсадли дастурни биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин. Қуйидаги мақсадли дастурларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари 1–9-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

1-қомпонент – "Худудлар, иқтисодий тармоқлари, илм-фан ва иқтисодий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, кадрлар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, талабаларнинг ишлаб чиқариш қороналарида амалиётини ташкил қилиш";

2-қомпонент – "Энг янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини жорий қилишнинг халқаро амалиётига мувофиқ таълим жараёнини режалантириш, чуқурлаштириш ва сифатини яхшилашни ташкил этишни тақомиллаштириш";

3-қомпонент – "Ректорат, факультетлар, кафедралар, илмий-тадқиқот муассасалари ва академик лицей раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчиларини танлаш ва тайинлаш, уларнинг касб даражаси ва педагогик маҳоратини ошириш тизimini тақомиллаштириш";

4-қомпонент – "Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг ривожлантириш, университетда олиб бориладиган тадқиқотларни ишлаб чиқариш, академик илм-фан эҳтиёжлари билан интеграциялаш, ўқитувчилар илмий ишнинг натижадорлигини таъминлаш, ўшларни илмий фаолиятга жалб қилиш";

5-қомпонент – "Таълим, илмий ва маъмурий фаолиятнинг янгона ахборот мақомидаги ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жиҳозлаш, контент билан тўлдиртиш";

6-қомпонент – "Етаци хорижий университетлар билан халқаро ҳамкорликни, шериклик муносабатларини ривожлантириш, таълим фаолиятига хорижий мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш";

7-қомпонент – "Тарбиявий ишлар тизimini тақомиллаштириш, талабаларга оқсак ахлоқий ва маънавий-маърифий фазилатлари синдириш, ёт ёғ ва маъқураларга нисбатан иммунитетни мустахкамлаш, талабаларнинг соғлом турмуш тарзи ва дам олишини ташкил қилиш учун шарт-шароитлар яратиш";

8-қомпонент – "Моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустахкамлаш, лабораториялари замонавий ўқув-илмий ускуналар билан жиҳозлаш, иқтисодий-спорт инфратузилмасини ривожлантириш";

9-қомпонент – "Университет фаолиятини самарали молиялаштириш, харажатларни оптималлаштириш ва босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтиш";

10. Университет, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, бошқа вазириклик ва идораларнинг тегишли норматив ҳужжатлари ва амалий чора-тадбирларни ўз вақтида тайёрлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ишлари мувофиқлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, белгиланган муддатларда мақсадли дастурларни шакллантириш учун 10-иловага мувофиқ таркибда Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилсин. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раҳбари – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов бир ҳафта муддатда ушбу қарорга 1–9-иловалар бўйича ишчи гуруҳлар таркибларини ва мақсадли дастурларни амалга оширишнинг босқичма-босқич жадалини тасдиқласин.

11. МДХ мамлакатлари ва хорижий давлатларнинг етаци олий таълим муассасаларида, шу жумладан, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетига синовдан ўтган тажрибани ўрганишни ҳисобга олган ҳолда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб факультетлар ва кафедралар, илмий-тадқиқот институтларининг лабораториялари бўйича, академик лицейда ва умуман, университетда раҳбарлар ҳамда профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятининг самарадорлигини тасдиқланган мақсадли дастурлар бўйича рейтинг баҳолаш тизimini жорий этилсин.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик билан биргаликда: – 2019 йил 1 августга қадар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббусини барча курсларда ва университетнинг таркибий бўлинмаларида амалга ошириш тартибини ва чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Талабалар, айникса, талабалар турар жойларида яшайдиган ва яшамайдиган талабалар билан мунтазам асосда фаол мулоқот олиб бориш амалиётини жорий этиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли равишда ўрганиш, талаба-ўшларнинг ўқув, илмий ва маънавий ҳаётидаги муаммолари масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар қўриш университет ректори ва проректорларининг, деканатлар ҳамда кафедралар раҳбарларининг, барча профессор-ўқитувчилар таркибининг устувор вазифаси этиб белгилансин;

– 2019 йил 1 сентябрга қадар – рейтинг баҳолаш тизimini жорий қилишда асос бўладиган индикаторларни (кўрсаткичларни);

– 2019 йил 1 октябрга қадар – юқорида қайд этилган индикаторлар (кўрсаткичлар) асосида таркибий бўлинмалар ва умуман университет фаолиятининг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини рейтинг баҳолаш тизimini ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг билими ва малакаси, касбий тайёрлиги даражасини ошириш тизimini туздан яхшилаш, уларнинг айриқлари орасидаги салбий йиллатлар намоён бўлишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг муҳим вазифаси этиб белгилансин. Шу мақсадларда:

2019 йил 1 сентябрга қадар – университетнинг таркибий бўлинмаларида кадрларнинг самарали захирасини шакллантириш;

2019 йил 1 октябрга қадар – бошқарув бўлими ходимларини, шунингдек, университет барча бўлинмаларининг профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;

2019 йил 1 ноябрга қадар – университет раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларининг "Эл-юрт умиди" жағмағмаси йўналиши бўйича ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига рейтинг даражаси юқори бўлган хорижий олий таълим муассасалари ва илмий-техник марказларда, шунингдек, мамлакатимиз қороналарида, республика Фанлар академияси тизимидаги ташкилотлар ва бўлинмаларда 6 ой муддатда стажировкасини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

10. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги янгиланган ташкилий тузилмаси ва ректоратнинг тузилмаси 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ректорат тузилмасига республика олий таълим муассасалари учун таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш методологиясини мувофиқлаштиришнинг ўқув-методик ва илмий патронаж бўйича базавий олий таълим муассасаси сифатида университетнинг ўқув-методик таъминлаш ва таълим сифатини назорат қилиш бўйича проректори лавозими киритилсин.

Университет ректорати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, кадрлар бюрократиялари билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб – муҳандислик математикаси, компьютер фанлари ва технология менежмент йўналишлари бўйича Ўзбекистон – Исроил факультетини;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги йилларда – "Амалий математика ва интеллектуал технологиялар", "Биофизика ва муҳандислик тадқиқотлари", "Фундаментал тиббиёт ва биокимё" факультетларини ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Университет ректори А.Р.Мараҳимов 10 кун муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳамда Молия вазирилик билан биргаликда 11-иловадан келиб чиқиб университет ректорати, деканатлар ва кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмаларининг шарт жадалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий марказини ташкил этиш ҳақидаги тақлифига розилик берилсин.

11. С.Сирожиiddинов номидаги академик лицей "табиий ва аниқ фанларга" ихтисослаштирилган С.Сирожиiddинов номидаги республика академик лицейи этиб қайта ташкил этилсин.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳамда Молия вазирилик билан биргаликда икки ой муддатда С.Сирожиiddинов номидаги республика академик лицейининг кейинги самарали фаолияти тўғрисида асосланган тақлифларни, шу жумладан:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қабул қилиш ва кейинчалик уларни Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги тегишли факультетларига тўғридан-тўғри қабул қилиш тартиби;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб С.Сирожиiddинов номидаги республика академик лицейини С.Сирожиiddинов номидаги республика тақлифлар киритилсин.

12. 2019/2020 ўқув йилида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги талабаларни давлат бюрократси асосида қабул қилишнинг асосий кўрсаткичлари 12-13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

13. Университет фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари белгилансин:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик орқали ажратиладиган ҳамда устас фаолиятига мувофиқ Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги жорий харажатларини молиялаштиришга йўналтириладиган республика бюджет мабдалари;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик Газначилигидаги алоҳида шахсий ҳисоббаракка тушадиган ва устас фаолиятига мувофиқ Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидаги жорий харажатларини молиялаштиришга ва капитал харажатларини амалга оширишга йўналтириладиган контрактлар бўйича тўлов мабдалари;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик Газначилигидаги ҳисоббаракка тушадиган ва грант сметага мувофиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтириладиган грант мабдалари;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик Газначилигидаги ҳисоббаракка тушадиган ва шартномавий ишлаб баҳарлишини молиялаштиришга йўналтириладиган ҳўжалик шартномаси (ёки бошқа йўналиш) бўйича мабдалар;

д) соҳага қирмайдиган фаолиятдан олинладиган ва университетнинг жорий харажатларига йўналтириладиган бошқа тушумлар.

14. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Университетни ривожлантириш жағмағмаси ташкил этилганлиги ва ҳўжалик шартномалари, пуллик курслар, ҳомийлик ажратмалари, бинокларни ижарага бериш, босқичма-босқич фаолият ва бошқа фаолиятдан тушадиган мабдалар унинг манбаи ҳисоблангани маълумот учун қабул қилинсин.

Шундаги тартиб ўрнатилсинки, унга қўра Ривожлантириш жағмағмасининг мабдаларни фақат қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

– моддий-техник базани мустахкамлаш; – кредитор қарадорлиқни қоплаш; – ходимлар ва профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик Молия вазирилик билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳомийлик кенгашини тажриба тарихида ташкил қилишни, унинг шахсий таркибининг тасдиқлансин, ваколатларини, қарорлар қабул қилиш ва ижро этиш механизмларини белгиланиши назарда тутуви тақлифларни ишлаб чиқсин ва Вазириклар Мақмағмасига киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Раматов, Ж.А.Қўчқоров, А.А.Абдухакимов, Т.К.Нарбаева, вазириклар ва идоралар раҳбарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А.Ортиққўжаев 2019 йил 24 майда олий таълим муассасалари ректорлари ва илмий жамоатчилиги билан ўтказилган учрашулда белгиланган топшириқлар ўз вақтида ва пухта ишлаб чиқилишини таъминласинлар. Жумладан:

2019 йил 1 июлга қадар – Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги талабалар шаҳарчаси худудида, хусусан, университет профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчилари учун 6 та замонавий кўп қаватли уйлар, универсал спорт мажмуаси, "Ёшлар боғи", "Wi-Fi" зона ва бошқа объектларни қуриш;

2020 йил 1 январга қадар – университетнинг биология факультети учун Виварий ва оранжерия бинокларни қуриш;

2020 йил 1 январга қадар – университетнинг Чорвоқ ўқув-амалий марказининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва уни замонавий гидрометеорологик асбоблар билан жиҳозлаш бўйича тақлифлар киритилсин.

Аниқ ва табиий фанлар факультетларининг ўқув-илмий лабораторияларини жиҳозлаш мақсадида университетта 6,0 миллион АҚШ доллари ажратилгани маълумот учун қабул қилинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилик, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Молия вазирилик, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик таълим ва илм-фан соҳасидаги барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ходимларнинг ойлик иш ҳақида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни мабдалари ҳисобига – фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 30,0 фоизгача, фан доктори (Doctor of Science) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 60,0 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида Вазириклар Мақмағмасининг қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва киритсин.

Белгилансинки, қўшимча ҳақ ҳар бир ходимнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига қўйган аниқ хиссасини ҳисобга олган ҳолда таркибий бўлинма раҳбарининг тақдимномаси асосида ва муассаса (ташкilot) коллегиял органининг қарорига қўра тўланади.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Вазириклар Мақмағмаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни мабдалари ҳисобига олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида таъғиргарлик босқичи сифатида 2020 йил 1 январдан бошлаб стажёр-тадқиқотчилар институтини жорий этиш ҳақида Вазириклар Мақмағмасининг қарори лойиҳасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ушбу қарорнинг 13-14-бандларида қайд этилган манбаларни ва халқаро грантларни ҳисобга олган ҳолда ушбу қарорда назарда тутилган топшириқлар ва чора-тадбирларни молиялаштириш учун мабдалар ажратиш юзасидан, кейинчалик асосланган тақлифлар киритиш учун уларнинг молиявий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик мақсадда вазириклик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазириклар Мақмағмасига тақлифлар киритилсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов ва Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р.Мараҳимов зиммасига юқлансин.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2019 йил 1 августда ва 1 октябрда, 2020 йил 10 январда ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 18 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2019–2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизimini туздан тақомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига

Ш А Р Ҳ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тақомиллаштиришда кўп йиллик педагогик ва илм-фан соҳасидаги бой анъаналарга эга бўлган илмий олий таълим муассасаларида. Университет ҳар йили иқтисодийнинг турли тармоқларини, таълим ва фан соҳаларини ўз битирувчилари билан таъминламоқда, шунингдек, илмий-тадқиқотлар ва излашлар билан, шу жумладан халқаро миқёсда ҳам фаол шуғулланиб келмоқда. Хозирги пайтда 114 та, шу жумладан, 18 та халқаро илмий ва илмий-ўқув лойиҳалари амалга оширилмоқда. Университетнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустахкамлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи оширилди.

Шу билан бирга, қарорда қайд этилгандек, тақдирий ва ҳар томонлама таҳлилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ва сервизора иктидор соҳиб бўлган инсон капиталини ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлаётган бир қанча муаммолар ва нуқсонлар аниқланди. Кейинги йилларда университетнинг Миллий университет мақомини қарор топшириш учун амалий ва самарали чора-тадбирлар таъминланган.

Жумладан, таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг таркиби ҳамда қабул кўрсаткичлари кадрларга бўлган реал талабдан сезиларли даражада орқада қолмоқда, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш даражаси, айрим педагог-кадрларнинг касбий маҳорати, малака ошириш курсларининг самарадорлиги пастилигича қолмоқда.

Қарорда университетнинг нуфузли халқаро агентликлар рейтингига киритилмаганлиги, ёшларнинг илмга бўлган қизиқини рағбатлантириш даражаси пастилигига алоҳида эътибор қаратилган. Таълим жараёни ва илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техника таъминотида жиддий камчиликлар мавжуд.

Юзага келган ҳолатдан ҳамда университетнинг мамлакат олий таълим соҳасида тутган ўрни ва

аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда қарорда бугунги кунда талаб юқори бўлган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини туздан яхшилаш, юқори технологияларга асосланган ва истиқболли йўналишлардаги илмий тадқиқотларни жадал амалга ошириш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг касбий билимлари ва педагогик маҳоратини мутасил ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар назарда тутилган.

Қайд этиш лозимки, қарорнинг асосий қондалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йил 24 майда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон М

КИТОБ — ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРУВЧИ ЖАВОҲИР



Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган бешта муҳим ташаббуси юртимиздаги ёшларга оид ислохотларга янада жадал суръат бахш этмоқда.

Дарҳақиқат, ёшларнинг муносиб кўрилуши, адабиётга қизиқишларини ошириш, уларни спортга жалб этиш, ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб йўналишлари сирасига киради. Бунда тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга қаратилган.

Педиатр-шифокор сифатида ўз умрини болаларимизнинг соғлиқларини тиклашга бахшида этган, ёши етмиш бешга етган бўлсада ҳамон тетик ва бардам Муборакхон опа Фатхуллоева ҳам виждон амри билан лаббай дея жавоб қайтариб, ҳаёт тажрибалари асосида ташаббуснинг тўртинчи муҳим босқичига ҳамроҳ бўлган "Китоб ҳақида китоб" рисоласини чоп этганлиги жуда эътиборга лойиқ иш бўлди.

Мазкур китобдан ўрин олган "Маърифат ва одоб жаҳоҳирлари", "Маънавиятни китобдан ўрганишимиз", "Энг яқин дўстимиз", "Китобни офтоб дей-

дилар!", "Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор", "Китоб ҳақида уламолар дейдилар" каби мақолалар, ибратли ҳикоятларни ўқиган ёшлар ўз ақл-тафаккурларини чархлашлари, ота-бобларимизнинг маънавий қадриятларидан баҳра олишлари мумкин бўлади.

Мана, рисоладан ўрин олган ҳикматдан бири билан танишинг. "Китобни офтобга ўхшатишлари бежиз эмас. Китоб дилларни уйғотиб, мунаввар қилиш билан бирга, ҳаёт, мавжудот сирларидан воқиф этувчи бебаҳо хазина. У кўнгилларга эзгулик уругини сепаиб, яшайдан сабоқ беради. Китоб зехнларини пешлаб, билимлар китобига эшик очади, маънавиятни бойитади.

Китоб билим беради, билим бахт келтиради. Китоб инсон учун энг яқин дўст, адабий мерос ва бадий ҳамроҳдир".

Ҳаётимизда, "оммавий маданият"нинг зарарли хуружи тобора ошиб бораётган бугунги кунда инсонларни, айниқса ёшларни маънавият ва маърифатга чорловчи мана шундай сара китоблар жуда-жуда керак. Ва "Китоб ҳақида китоб"нинг қўлланма сифатида олий ўқув юртлири ва мактабларга тарқатилаётганлиги кўнгилдагидек иш бўлибди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган брифингга Давлат тест маркази мутасаддилари олий таълим муассасаларига қабул жараёни, бу йилги тест синовларида қўллаётган кўрсаткичлар ҳақида маълумот берди.

Бу йил абитуриентлар олий таълим муассасасига ҳужжат топширишида янги тизим жорий этилмоқда. Унга кўра, номзаддан 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома талаб этилмайди. Улар ҳужжатларини қабул комиссиясига қолдириб кетмайди. Рўйхатдан ўтган, ҳужжатларини ўзи билан олиб кетади. Талабаларга қабул қилинган маълум бўлган, ҳужжатларининг асл нусхасини тақдим этади.

Бу йил тест топшириқларини тайёрлаш мақсадида умумтаълим фанлари бўйича экспертлар гуруҳи шакллантирилган. Тест синовлари учун 180 мингдан ортиқ тест топшириқини шакллантириш режалаштирилган. Унда ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги тест топшириқларининг бир хиллиги таъминланмоқда.

Тест топшириқлари базасини шакллантириш бўйича Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония тажрибаси ўрганилиб, уларда график, ёзувсиз карта, расмлар қўлланилмоқда.

Мамлакат миқёсида кириш имтиҳонларини ўтказиш учун 69 бино ажратилган. Уларнинг энг каттаси 1710 ўринли бўлиб, бир кунда 2 сменада 12 минг 75 гуруҳда 38 минг 310 нафар абитуриент тест топшириши мўлжалланмоқда.

Абитуриентлар ўзининг доимий ёки вақтинча рўйхатда турган жойидан қатъий назар, исталган олий таълим муассасасида ташкил этилган қабул комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Рўйхатдан ўтишда махсус сўровнома шакли тўлдирилиши ва ундаги маълумотлар электрон маълумот алмасув тизимига киритилиши керак.

Рўйхатдан ўтишда фуқаролик паспорти, паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, таълим муассасасини тугатгани ҳақидаги ҳужжат

ва унинг иловаси талаб этилади, имтиёзга эга бўлганлар эса имтиёз ҳужжатини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этади. Бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди.

Матрицали штрих код (QR-код) қўйилган сўровнома икки нусхада чоп этилиб, унинг бир нусхаси абитуриентда қолади. Абитуриентнинг учтагача таълим йўналишини танлагани ҳам сўровномада қайд этилади. Танловни бир вақтнинг ўзида кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга ошириб бўлмайди.

Абитуриент рўйхатдан ўтганда яшаб турган, вақтинча рўйхатдан ўтган ёки ўша пайтда бўлиб турадиган ҳудудда тест синовларида иштирок этиши мумкин. Фақат сўровномада қайси ҳудудда тест синовларида иштирок этишини кўрсатган бўлиши шарт.

— Қабул жараёнида "манфаат" деган тушунча йўқоляпти, — деди ЎЗА муҳбирига Давлат тест маркази бош бошқармаси бошлиғи Барно Ражабов. — Шунинг ўзиёқ катта натижа. Агар бу жараён инсон фактори кўп аралашаверса, кўзбўямачилик ҳам шу қадар кўпаяди. Ишонч қамаяди. Бу оддий ҳол. Ҳозирча қўлимиздан келадигани — тест жараёнларида шаффофликни таъминлаш. Ўқишга киритиб қўяман, деганларга ишонманг. Яна бир муҳим эслатма: белгиланган вақтда тест синовига кеч қолган абитуриент имтиҳонга қўйилмайди. Бу қатъий белгиланган тартиб, қоида. Сабаби, икки сменада ташкил этиладиган тест синовлари ўз вақтида, тартибли ва сифатли ўтказилиши керак.

Абитуриентларда, ота-оналарда жараён билан боғлиқ саволлар туғилиши табиий ҳол. Шу боис улар Давлат тест маркази сайтдан маълумот олиши мумкин.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

"Сувсоз" давлат унитар корхонаси шу кунларда хайрли ташаббус билан ҳаракат бошлаган. Халқ билан мулоқот ўрнатиш, тоза ичимлик сувини беҳуда исроф этмасдан истеъмол қилиш, ёз мавсумини тежамкорлик ва сувдан оқилана фойдаланиб ўтказиш устида амалий ишлар режаси тузилган. Қуни кеча мана шу режа асосида илк бор Мирзо Улукбек туманидаги Алишер Навоий номи маҳалла фаоллари ва оқсоқолларини таклиф қилиб "Сувсоз" тизимига кирувчи "Қодирия" Бош сув иншоотига экскурсия уюштирилди. Меҳмонлар учун тайёрланган янги ва замонавий автобус отахон ва онахонларни Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган мазкур иншоотга олиб келди.

— Бу иншоот мана, эзлик йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Сизлар Бўзсув каналдан кириб келадиган сувни тиндириш хавзаси олдида турибсизлар. Бу ерда сув биланчи тиндириш жараёнидан ўтказилади, — деб таништира бошлади "Сувсоз" корхонаси фахрийси Зокир Солихўжаев. — Бу каби иншоот Марказий Осиё минтақасида ягона. Ҳамдўстлик давлатларида Москва ва Санкт-Петербургда кейин учинчи ўринда туради. Сув суюлтирилган аччиқтошлар ёрдамида тиндирилиб, кучли насослар қувватида кейинги босқич тиндиришдан ўтказиладиган резервуарларга ўтказилади.

Шундан кейин мезбонлар ҳаммани яна автобусга ўтказиб, энг катта тиндириш резервуарини олиб бориб кўрсатишди.

— Бу ерда бир миллион куб метр сув тиндирилади. Сиз кўриб турган бу резервуарга тоғлардан келаётган сувлар йиғилади. Баҳор пайтлари, серёгин кезларида сувнинг лойқалик даражаси 80 кўрсаткичда етиб келади. То Чорвоқдан бизгача бўлган масофада уч ерда бизнинг лабораторияларимиз бор. Сув етиб келади 8 соатлик муддат ичида биз ўша лабораториялар берган маълумотларга қараб тайёргарлик кўриб тураемиз. Сувнинг лойқалик кўрсаткичи 6-7ни ташкил қилгандан сўнггина уни кейинги босқич резервуарига ўтказамиз, — деб ҳикоя қилиб берди иншоот бош муҳандиси Обиджон Тожиев.

Кейинги манзилимиз бу улкан иншоотнинг насос станцияси бўлди. Корхона "Фахрийлар кенгаши" раиси Хайритдин Юнусов станция ҳақидаги муҳим саналган рақамлар ва маълумотларни меҳмонларга етказиб берди: "Кўриб турганингиздек, бу ҳечимизда 8 донга улкан насослар ўрнатилган. Осиё тараққиёт банки кредитлари асосида ажратилган 100 минг АҚШ доллари эвазига мана шу насосларни сотиб олдик. Германияда ишлаб чиқарилган насослар 30 фойзгача электр токини кам сарфлайди. Бунинг устига таъмирталаб эмас. Вақтида профилактик ишларни амалга ошириб турилса етарли. Ҳисоблаб кўрилса бир ойда "Сувсоз" 6 миллиард сўм фақат электр энергияси учун ҳақ тўлайди. Бунинг 30 фойзи қанча сумма бўлишини ҳисоблаб чиқиш кўриниш иш эмас.

Шундан сўнг, ҳамма энг муҳим босқич, учинчи тозалаш хавзаси томонга қараб йўл олди. "Қодирия" сув иншооти 138 гектар ерда жойлашган бўлиб, унинг алоҳида цехларини пиёда юриб айланиб чиқиш учун ярим кундан кўп вақт кетиши аниқ. Ҳаммаёқ ораста, покиза сақланар экан.

— Боғларда мевали даракхлар ҳосилга кириб ётиб-

ди. Уларнинг ҳосили шу ерда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга берилади. Умуман "Сувсоз" таркибиде меҳнат қиладиган беш мингга яқин ходимларга бозор нархларидан икки баравар арзон нархларда етказиб берилади. Шу ернинг ўзида меҳнат қиладиган ишчи-хизматчиларимиз сулола бўлиб, бир неча авлод вакиллари бўлиб меҳнат қилишади, — деб йўлқаи гапириб кетди Зокир Солихўжаев.

Шундай қилиб, учинчи босқич тиндириш резервуарига етиб келдик. Бу ер жуда ҳам озодалик ва покизаликни талаб қиладиган бўлим экан. Ҳаммамиз бир кўринишда тиник, зилол холга келиб қолган сув тўлдирилган улкан резервуарга кўтарилдик. Санжар Мамажонов гап бошлади:

Хайрли ташаббус

ТОМЧИСИ ТИЛЛОГА ТЕНГ СУВНИ АСРАШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

— Бу ерда сув аччиқтош ёрдамида яна бир тиндирилиб, шаҳарга узатиш қувурларига етказиб берилади. Ўша босқичда хлорланиб, тоза, тиниқ ва муздай ичимлик суви шаҳар аҳолисига узатилади. Сиз кўриб турган бу резервуаринг ҳар бир алоҳида қисми ҳар бир суткада тозаланиб, ювилиб турилади. Тошкент шаҳрига етказиб бериладиган ичимлик сувининг 80 фойзи мана шу ердан узатилади. Бу суткасига 1 миллион уч юз етмиш беш минг куб метр сув дегани.

Ва ниҳоят, ушбу жараённинг энг муҳим босқичларидан ҳисобланадиган "Лаборатория" бўлимига етиб келдик. Лаборатория мудири Дилдора Шомаксудова бизга айтиб берган маълумотлар аввалгилардан ҳам қизиқроқ экан.

— Сув бизнинг ҳудудимизга кириб келишидан аввал, Чорвоқдан қуйроқда жойлашган лабораторияларимиздан бизга илк таҳлил натижалари ва йўлақай идишларга олинган сув намуналари келиб туради. Бу ерда Америка, Япония, Европа фирмаларида ишлаб чиқарилган жиҳозларда текширишлар ўтказилади. Ҳар соатда, ҳар уч соатда, ҳар саккиз ва ўн икки соатда ва ҳар 24 соатда текшириладиган жараёнлар бор. Ҳаммаси туну-кун амалга ошириб турилади, қаттиқ назорат қилинади. Шундан сўнггина биз суви шаҳарга

узатаемиз. Аммо бу билан ҳам бизнинг ишимиз тугаган ҳисобланмайди. Шаҳар ичидаги қувурлардан ҳам вақти-вақти билан намуналар олиб, шаҳар ички қувурларидаги сув ҳолатини ҳам текшириб, таҳлил қилиб тураемиз.


Шу сўнгги бўлимдан кейин меҳмонларни кузатар пайтда уларга "Сувсоз" ДУК ташвиқотчиси" деган рамзий гувоҳномалар топширилди.

— Сизлар доимо одамлар орасида юрасизлар. Ёшингиз улуг, жамиятда тутган мавқе ва мартабангиз хурматга лойиқ. Сизлар аҳолини тартибга қайтарсангиз, айниқса ёшларимизга кўрсатмалар бериб, панднасихатлар қилиб турсангиз, биз ишонамизки, катта ўзгариш содир бўлади. Тошкент шаҳри аҳолисининг бизнинг ташкилотдан истеъмол учун олган сув ҳисобидан 54 миллиард сўм қарздорлиги бор. Шу пуллари ўз вақтида тўлаб беришса, ичимлик сувини тежаб, беҳуда сарфламай, исроф қилмасдан ишлатишларига эришсак, асосий мақсадимизга эришган бўлардик. Бюджетнинг каттагина маблағлари тежалган бўлар эди. Нонинг ушоғи ҳам нон бўлганидек, сувнинг томчиси ҳам сув! Унинг уволига йўл қўймасак, ҳаммамиз учун фойдадан холи бўлмас эди, — деди учрашув якунида оқсоқол Зокир Солихўжаев.

Алишер Навоий маҳалласи раиси ўринбосари Сайфилла Авлиханов бугунги учрашув-экскурсиядан жуда кўп нарса олгани, рақамлардан таъсирланганини айтиб, бу каби тадбирларни шаҳарнинг бошқа маҳаллалари вакиллари билан ҳам тез-тез, айниқса ёз мавсумида мунтазам ўтказиб туриш кераклигини таъкидлади. Ташвиқот ишларида фаол бўлишини, керак бўлса, кўча-кўча, эшикма-эшик кириб чиқишга тайёр эканини айтди. Ўз кўзи билан кўрганда, ўзи гувоҳи бўлиб эшитганда таъсир даражаси кучли бўлишини эътироф этди. Бу тадбирни ташкиллаштирган "Сувсоз" корхонаси раҳбарига, маъмуриятига, касаба уюшмаси ва "Фахрийлар кенгаши"га миннатдорлик билдирди, раҳматлар айтди. Ёши улуглар дуо қилишди.

Азизлар, сизлар ҳам тоза ичимлик сувини тежаб, тергаб, исроф қилмасдан истеъмол қилинг! Сувдан қарзларингиз бўлса, уларни ўз вақтида тўлаб бориш чораларини кўринг! Мамлакатимиз, хусусан, пойтахтимиз иқтисодий салоҳияти бундан ҳам юқори бўлишига, одамларимиз ҳаёти фаровонлашишига ўз ҳиссангизни қўшишдек савобли ишдан четда қолманг!

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



БАРЧАМИЗ УЧУН ЖОНАЖОН ДИЁР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси томонидан "Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Кўмита раиси Р.Қурбонов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳақимов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси экспертлар кенгаши раиси Ш.Ҳуломонов ва бошқалар юртимизда ижтимоий барқарорлик, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлаш масаласи Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотларда устувор ўрин эгаллаётганини таъкидлади.

Кўмита юртимиздаги 137 миллий маданий марказ, 35 дўстлик жамияти фаолиятини мувофиқлаштириб, Ўзбекистондаги барча миллат ва элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларини асраш ва ҳар томонлама ривожлантириш, ислохотлар ривожига муносиб ҳисса қўшиш йўлида самарали фаолият кўрсатмоқда.

"Халқ дипломатияси" механизмидан фойдаланган ҳолда тинч ва фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртлар билан яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга самарали ҳисса қўшмоқда.

Дунёнинг 14 мамлакатиде истиқомат қилаётган ватандошларимиз томонидан тузилган 27 та ташкилот, 8 та хорижий давлатдаги 13 та турдош ташкилот билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Кўплаб давлатлардан делегациялар қабул қилинди.

"Ўзбекистон — Афғонистон" ва "Индонезия — Ўзбекистон" дўстлик жамиятлари ташкил этилди. Қозғистон, Россия, Тожикистон ва Хитой давлатлари билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбир доирасида яқинлашиб келаётган 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ медиа соҳаси вакилларига эсдалик совғалари топширилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Қилмиш — қидирмиш

ЭГРИ ЙЎЛ

Яқинда жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судида Алишер Бердиевга оид иш кўриб чиқилди. Аниқланишича, у муқаддам судланган экан. Дастан унга 17 ёшида ўғирлик ва бошқа қилмиши учун 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган. 20 ёшида эса Алишер босқинчилик қилгани учун 8 йил муддатга озоодликдан маҳрум қилинган. Беш йилдан кейин эса у эски "касби" туфайли яна судланган.

Алишер Бердиев ўтган йил 12 ноябрь куни 22:00ларда муқаддам судланган таниши Александр Тюменцов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Яшнобод тумани, Оҳанграб кўчасида қаровис қолдирилган фуқаро Суюн Ҳолматовга тегишли "Нексия" автомашина эшигини очиб, 450 минг сўм пулни ўғирлайди. Қисқаси, ўғирлар ушланади ва уларга нисбатан жиноий иш кўзгатилади.

Суднинг қора курсисиде ўтирган Алишер Бердиев таржимай ҳолига назар ташлаймиз. Вояга етмаган йигит ўғирликка қўл урган. Кейин яна ва яна жиноят содир этган. Унинг бу аҳволга тушишига нима сабаб бўлган? Эҳтимол, ёшликда унинг таълим-тарбиясига ҳеч ким эътибор бермагандир. Эҳтимол, унинг онгиде ишламасдан ҳам пул топса бўлади, деган фикр шаклландир. Буларнинг ҳеч бири Алишерни оқлаш учун сабаб бўла олмайди.

Судда судланувчи А.Бердиев содир этган жиноятни бўйнига олиб, қилган ишдан пушаймонлиги, етказилган зарарни қисман қопланганини билдирди. Суд унга жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олди.

Алишер Бердиев илгари оғир жинояти учун икки марта ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озоодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган. Судланганлик ҳолати тугалланмасдан яна беш йилдан кам бўлмаган муддатга озоодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган янги жиноятни қасдан содир этган. Шу сабабли Алишер Бердиев Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан ўта хавфли рецидивист, деб топилди.

Алишернинг қисмати кишини ўйга толдиради. Унинг тенгдошлари ҳалол меҳнат қилиб, даромад тоپаяти. Оиласи бағрида хотиржам турмуш кечирмоқда. Алишер эса барчасидан маҳрум. Ҳаммасига ўзи айбдор. Ўқимади, ишламади. Яхши амал қилмади. У жазони махсус тартибли колонияда ўтайдиган бўлди.

Шерзод ЭШМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг судьяси



Футбол янгиликлари

ТОШКЕНТДА БОШЛАНГАН БАЙРАМ НАМАНГАНДА ДАВОМ ЭТДИ

Тошкент шаҳридаги "Миллий" стадионида ҳамда Намангандаги стадионда мухлислар учун ажойиб футбол учрашувлари уюштирилди.

"Миллий" стадионда Ўзбекистон — Сурия миллий терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик ўйини ташкиллаштирилган бўлса, Наманганда Ўзбекистон — Миср олимпия терма жамоалари иккинчи марта ўзаро беллашди. Ҳар икки баҳс ғалаба билан якунланди. Хуллас, Тошкентда бошланган футбол байрами Наманганда давом этди.

Миср олимпия терма жамоалари учрашуви эса айтиш жоизки, мухлисларга янада байрамона кайфият бахш этди. Чунки мисрликларга қарши кечган мurosасиз, шиддатли беллашув 3:2 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунига етди. Голларга Азиз Фаниев, Ислоҳ Қобилов (пенальти), Бобур Абдуҳалиқов муаллифлик қилишди.

МАКТАБ ВА КОЛЛЕЖЛАР ҚОШИДАГИ КУТУБХОНАЛАР ТУГАТИЛАДИМИ?

Пойтахтимиздаги "Тараққиёт стратегияси" марказида Адлия вазирлиги томонидан "Қонунчиликдаги янгиликлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда ҳафта мобайнида қабул қилинган ўнга яқин қонунчилик ҳужжати ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 7 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2019 — 2024 йилларда Ўзбекистонда ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси ҳамда ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Шунга кўра, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига тушадиган маблағларнинг икки фоизи Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратилади.

Тубхоначиларни кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан таъдирлаш ва рағбатлантириш кўзда тутилади. Шунингдек, Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, "Тошкент шаҳрида" Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида"ги, "Автомобиль транспортда юкларни халқаро ташишни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Конгресс-кўргазма тадбирларини давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш тўғрисида"ги, "Олий таълим муассасаларига ўқиган кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳамда "Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари ҳақида тушунтиришлар берилди.

Қарорга кўра, 21 май Кутубхоначилар куни деб белгиланди. Бунда ку-

Г. БОБОЕВА, ЎЗА мухбири

"101" ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

"Ўз уйингни ўзинг асра" деган шior ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқли.

Аҳолининг иш ва яшаш жойида қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Очиқ алангадан фойдаланиётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, носозларидан фойдаланмаслик, маъмурий биноларда иш ту-гагандан кейин хонадаги электр ўқиналарини ўчириш керак.

Юқоридаги қондаларга риоя қилинади бундан ташқари, яқин кил-шларимизнинг ҳаётини асраймиз. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари барчани оғоҳликка қақира-ди. Бекзод ҲАСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Виртуал қабулхона биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант

Баъзи корхоналари, маъмурий бинолари, ўқув масканлари, айниқса турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнғин назорати ходимларининг кўрсатмаларини вақтида бажармаслик оқибатида "тилис ёв" содир бўлимоқда. Тадбирларда профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, газ электр тармоқлари, ободонлаштириш, "Махсустрас" корхоналари ходимлари билан ҳамкорликда учрашув ва суҳбатлар уюштириломоқда.

Бундан қўланган асосий мақсад эътиборсизлик оқибатида юз бериши мумкин бўлган ёнғинлар ва бошқа кўнгилсиз ҳо-ди-саларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Қаҳрамон АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройи ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори, подполковник

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойлар-да аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қондаларини тушунти-риш ва уларга риоя қилишга қаратилган учрашувлар мунта-зам ўтказиб келинмоқда.

Қондаларига риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойи, қолверса ўзи ва яқинларининг ҳаётини асраган бўлади. Шундай экан, ёнғин хавфсизлиги қондалари-га амал қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрайлик.

Сарваржон ТУЛЯГАНОВ, Ўзбекистон давлат консерваторияси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта лейтенант

Ўчирилмаган сигарета қолдиги нафақат уйлар, балки кўча-қуйда ҳам офат келтириб чиқариши кўп кузатилади ҳолатдир. Айниқса, ҳозирги иссиқ кунларда қуриб, қовчираб ётган шох-шабабалар ёки чиқиндида ўчирмасдан улоқтириш кетилган си-гарета қолдиги ёнғинга сабаб бўлиши турган гап. Агар ма-ҳалла аҳли, қўни-қўшнилар шу қаби ҳолатларга эътиборли бўлишса, барчанинг хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўши-шади.

Ўзимиз ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этишимиз бил-лан бирга, атрофимиздагиларни ҳам шунга ундашимиз, фар-зандларимизга буларни ўргатишимиз зарур.

Бурхон МАХСУДОВ, ЎЗМТРК биноларини ёнғиндан муҳофаза қилувчи кичик инспектор, сафдор

Маҳаллалар ҳамда ташкилотларда ёнғин офатларининг му-дхш оқибатлари ҳақида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этили-моқдаки фуқаролар ҳар қадамда ёнғин — офат эканлигини ҳис этиб, қондаларга риоя этишни унутмасинлар. Ёнғин оқибатида инсонлар умри ҳазон бўлмаслиги ёки улар-нинг бир умрга ногирон бўлиб қолмасликлари учун оловдан фақат ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилган ҳолда фойдаланишимиз зарур. Шундангина ҳаётимиз хотиржам бўлиб, ёнғин оқибатида кўнгилсиз воқеалар рўй бермайди.

Комил ПЎЛАТОВ, ЁХБ инспектори, лейтенант

Барчага маълумки, қуруқ ўтлар ёки қуриган ҳазонларни ёнғин оқибатида ёнғинлар сони ортиб бормоқда. Буларга сабаби инсонларнинг ўзаридир.

Болаларни шўхлиги ёки сигарет қолдигини ўчирмай таш-лаб кетиши натижада ҳам ёнғинлар келиб чиқиб, алангаси атрофга ўтиши билан жуда хавфлидир. Кичкинагина сигарет қолдиги тўфайли бир неча дақиқаларда қанчалар-қанча тала-фотлар қўрилиши, инсонларни ўзлари ҳам ҳароҳат олишлари эҳтимолдан холи эмас.

Равшан ЯКУБОВ, ЁХБ инспектори, катта лейтенант

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари уйма-уй юриб, қурилаётган мас-канларда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Ундан қўлан-ган мақсад аҳоли, давлат мулкни ўт балосидан асрашдир.

Айниқса, қурилиш майдонларида билрамчи ёнғинга қарши воситалар таъминланиб, шай ҳолатга келтирилиши, у ердан қуриб юқори қўланилиши электр манбаларининг яхшиланishi, қўрилган ишларига жалб этилган шахсларни оғоҳлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Буларни барчаси содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олишда қўрилаёт-ган муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Раҳматилла ТАШМУХАМЕДОВ, Юнусобод тумани ЁХБ катта инспектори, катта сержант

Бугунги кунда ёнғинга қарши кураш, уларнинг олдини олиш-да замонавий техника воситаларидан самарали қўланилимоқ-да. Ана шу воситалар орасида ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан хабар беришга қаратилган воситалар, назорат мосла-малари муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бо-расида ҳозирги ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқарила-диган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнғин тўфайли ке-ладиган моддий, одамларнинг ҳаёти, соғлиғига етказилади-ган зарарнинг олди олинади. Шу тўфайли ҳам бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини юқори даражада етказиш ҳисобидан одамларнинг ҳаёти ва кўнлик эҳтиёжи учун талаб қилинадиган жиҳозларни муҳофаза қилмоқ зарур.

Файзулла НОРТАДЖИЕВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори

Республикамиз ҳудудига четдан товар-моддий бойликларни импорт қилиш бўйича аниқ ва самарали тартиблар ишлаб чиқилган бўлиб, бунда энг аввало юртошларимиз саломатлиги, шунингдек, ички ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган.

ТЎЛОВЛАРНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШГА УРИНГАНЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Афсуски, амалдаги тартибларга риоя қилмай, натижада ички бо-зорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдирishга ҳаракат қилаётган "ишбилармон тадбиркорлар"лар ҳам йўқ эмас. Божвончилар томонидан божхона тўловларини четлаб ўтишга уриниш ҳолатлари ўз вақтида бартараф қилинмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси "Чуқурсой" та-шки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари пойтахтимизда фаолият юритаётган маъсулияти чекланган жамият номига хориж-дан темир йўл контейнерида келган юкларни белгиланган тартиб-да назоратдан ўтказди. Божхона кўрғи давомида контейнерларда божхона юк декларациясида ҳамда юк кузатув ҳужжатларида кўрсат-тилган умумий қиймати 76,8 миллион сўмлик 648 дона "газ босими"ни ўлчаш"лар борлиги аниқланди.

Наргиза ЮНУСОВА, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати бош инспектори

ШАҲРИМИЗНИНГ ФИТОСАНИТАР ТОЗАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тадқиқотларга қараганда бир гектар майдондаги дарахтлар бир кеча-кундузда 220-275 килограммгача карбонат ангидрид газини ютиб, 180-215 килограмм кислород ажратади.

Бу миқдор ўртача 500 кишини кун давомида кисло-род билан таъминлашга етади. Бошқача айтганда, тўртта дарахт бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини кон-диради. Айтиш жоизки, ҳар йили баҳор мавсумида пой-тахтимиз ҳудудлари бўйлаб минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади. Бу яхши анъана, албатта. Аммо экилган кўчатларнинг парваришига ўз вақтида эътибор қаратилаётганими?

Манса шу жиҳат, очиги, кўпинча эътибордан четда қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, экиш мавсумида қанча техника, ишчи кучи, маблағ сарфланади? Агар йиллар давомида экилган кўчатлар вақтида суғорилиб, агротехника талаблари асо-сида парваришланганда эди, пойтахтимиз кўча юзлари, майдонларидики экилган арчалар бундай ачинарли ҳолат-га келмаган бўларди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда Тошкент шаҳрида 70 мингдан ортиқ манзарали нинабаргли дарахтлар мавжуд бўлиб, шундан қарий 60 фоизи арча умисмон курти билан зарарланган. Мазкур ҳолатнинг олдини олишда Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси ички агроном инспекторлари то-монидан шахримиз кўчалари, яшил майдонларидики пар-варидиш қилинаётган мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда гуллар доимий назоратдан ўтказиб бориломоқда. Бу борада жорий йилнинг январь ойида инспекция то-монидан Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бош-қармаси ҳамда туман ободонлаштириш бошқармалари билан келишган ҳолда иш режаси тасдиқланган. Маз-кур иш режасида шаҳар ҳудудидики манзарали ва мевали дарахтлар, гулларни ҳар хил зараркундалардан тозалаш ва шахарнинг фитосанитар тозаланиши таъмин-лаш мақсадида қуриган дарахтларни кесиш, зарарлан-

ган дарахтларни кимёвий дори воситалари ёрдамида дорилаш, ҳудудларни карантин бегона ўтлар (зарпечак, девпечак ва қакрадан) тозалаш ва бошқа бир қатор тадбирлар амалга оширилиши белгилан қўйилган.

Аммо ҳозирги кунда туман инспекторлари томонидан шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда туман ободонлаштириш бошқармаларига зарарли организм-ларга қарши кураш чораларини мунтазам олиб бориш лозимлиги тўғрисида озаки ва ёзма кўринишида кўрсат-малар берилганлигига қарамастан, ушбу ташкилотлар томонидан локалийлик қилиниб, дорилаш ишлари орқа-га сурилиб келинмоқда.

Бу борада мутасадди ташкилотлар шунга эътибор қаратиши лозимки, карантин организмлар ва зарарку-ндаларга ёппасига бир вақтнинг ўзида мажмувий тарзда кураш чоралари қўрилиши керак. Асинча, ободонлаштириш ташкилотларининг арча умисмон курти билан зарарланган дарахтларни мунтазам 3-4 марта до-риламасдан, ишларини ўлда-жўлда амалга ошириши на-тижасида аниқланган зараркундалардан кундан-кунга кўпайиб, бошқа ўсимликларга ҳам тарқалишига, дарахт-ларнинг батамом қуриб нобуд бўлишига олиб келмоқ-да. Энг хавотирли томони шундаки, бундай ҳолатнинг юзага келиши шахаримиз ҳудудининг фитосанитар то-заллигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Агар бу борада мутасадди ташкилотлар ўз ишига маъсулиятсизлик бил-лан қарашда давом этаверса, албатта, шаҳар иқтисоди-га ҳам катта зиён етади.

М.АЛИМОВ, Тошкент шаҳар Ўсимликлар ҳудудий инспекцияси ички карантини бўйича етакчи агрономи, М.БАКИЕВА, Яққасарой тумани агроном инспектори

Реклама ва эълонлар

Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи томони-дан 05.07.2016 йилда Хамзаева Динора Зокировна но-мига берилган К № 4483241 рақамли (911-рўйхат ра-қамли) диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агент-лиги томонидан "UCH QAXRAMON ULGURJI SAVDO" маъсулияти чекланган жамиятига тегишли 01Z430DA давлат рақамли "Камаз" 5511 юк машинаси учун 27.03.2019 йилда берилган шаҳар ва шаҳар атрофи-да юк ташиш ҳуқуқини берувчи АТ серияли № 2433649 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели-4 мавзеси, 29-уй, 10-хона-дон учун Абсоатова Улжон Омантурдиевна но-мига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолган-лиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент автомобиль ва йўллар институти то-монидан 2011 йилда Жалолов Азизжон Азам-жонич номига берилган В № 530961 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзбекистон: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бунча турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишимиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2024 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун маъсул О. Ҳазратов

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ